

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА
ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

УРУНОВ БАҲРОМ НАСРУЛЛАЕВИЧ

**БУКАНТОҒ ТОҒИДАГИ ОЛТИН КОНЛАРИДА ГЕОЛОГИК
МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
МУАММОЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Урунов Баҳром Насруллаевич

Букантоғ тоғидаги олтин конларида геологик маълумотларнинг
ишончлилигини таъминлаш муаммолари.....3

Урунов Баҳром Насруллаевич

Проблемы обеспечения достоверности геологических материалов на
золоторудных месторождениях гор Букантау.....23

Urunov Bakhrom Nasrullayevich

Problems of providing the reliability of geological materials at gold
deposits in the Bukantau mountain.....43

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 46

**МИНЕРАЛ РЕСУРСЛАР ИНСТИТУТИ, ГЕОЛОГИЯ ВА
ГЕОФИЗИКА ИНСТИТУТИ, ГИДРОГЕОЛОГИЯ ВА ИНЖЕНЕРЛИК
ГЕОЛОГИЯСИ ИНСТИТУТИ, СЕЙСМОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ,
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ
ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР
БЕРУВЧИ DSc.27.06.2017.GM.40.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ИСЛОМ КАРИМОВ номидаги
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ**

УРУНОВ БАҲРОМ НАСРУЛЛАЕВИЧ

**БУКАНТОҒ ТОҒИДАГИ ОЛТИН КОНЛАРИДА ГЕОЛОГИК
МАЪЛУМОТЛАРНИНГ ИШОНЧЛИЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШ
МУАММОЛАРИ**

**04.00.02 – Қаттиқ фойдали қазилма конларининг геологияси, уларни қидириш
ва разведка қилиш. Металлогения ва геокимё**

**ГЕОЛОГИЯ-МИНЕРАЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2018.1.PhD/GM16 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ислон Каримов номидаги Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.gpniimr.uz) ва «Ziyonet» Ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Исаходжаев Бахтияр Абдукаримович**
геология-минералогия фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Пирназаров Мажид Маҳкамович**
геология-минералогия фанлари доктори
Эгамбердиев Абдуракибхон Аъзамхонович
геология-минералогия фанлари номзоди

Етакчи ташкилот: **«Уранкамёбметгеология» ДУК**

Диссертация химояси Минерал ресурслар институти, Геология ва геофизика институти, Гидрогеология ва инженерлик геологияси институти, Сейсмология институти, Ўзбекистон миллий университети ва Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.GM.40.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси 11а-уй. Тел: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: (info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

Диссертация билан Минерал ресурслар институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин. (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100060, Тошкент шаҳри, Т.Шевченко кўчаси 11а-уй). Тел: (99871) 256-13-49).

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ да тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Р.Ахунджанов
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш раиси, г.-м.ф.д.

К.Р.Мингбоев
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш илмий котиби, г.-м.ф.н.

Х.А.Акбаров
Илмий даражалар берувчи Илмий
кенгаш қошидаги илмий семинар
раиси, академик, г.-м.ф.д.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунё амалиётида, кон қазиб олиш корхоналарини ишончли ресурс ва захиралар билан мунтазам равишда таъминлаш геология-қидирув ишларининг шу кундаги зарурий вазифаларидан бири ҳисобланади. Дунёнинг ривожланган давлатларида геология қидирув ишлари асосида олинадиган маълумотларни тўлиқчилиги ва ишончилигини таъминлашда бевосита геоахборот тизимларини (ГАТ) қўллаш муҳим омил сифатида хизмат қилмоқда. Бу борада геологик маълумотларнинг ишончилиги ва сифатини оширишда бирламчи геологик хужжатлаштириш, намуна олиш ва уларга ишлов беришнинг таъсирини аниқлаш муҳим аҳамият касб этади.

Бугунги кунда жаҳон миқёсида фойдали қазилма конларида геологик маълумотларнинг сифатини ошириш, намуналаш ва конлар захирасини баҳолашнинг ишончилигини таъминлашнинг илмий асосланган услубларини ишлаб чиқиш ва уларни янада такомиллаштириш бўйича кенг қамровли илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Жумладан, олтин маъданли конлар мисолида излаш ва баҳолаш босқичида намуналар олиш ва уларга ишлов бериш кўрсаткичларига таъсир қилувчи ва маъданлашув ўзгарувчанлигини характерловчи коэффициентлар ишончилигини, бирламчи геологик маълумотлар сифатини таъминлашда замонавий ГАТни қўллаш геология-қидирув ишлари услубиётини такомиллаштиришга хизмат қилади.

Мамлакатимизда геология соҳасини янада ривожлантириш ва минерал ҳом ашё базасини кенгайтириш бўйича кенг қамровли чора тадбирлар амалга оширилмоқда, жумладан, Қизилқум худуди Буқантоғ тоғидаги олтин маъданли конларини излаб топиш бўйича маълум ютуқларга эришилди. Ўзбекистон Республикасининг 2017-2021 йилларда янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «ижтимоий-иқтисодий ривожланишни жадаллаштириш, халқнинг турмуш даражаси ва даромадларини ошириш учун ҳар бир худуднинг табиий, минерал-хомашё, ... салоҳиятидан комплекс ва самарали фойдаланишни таъминлаш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Бу борада, жумладан, геология қидирув ишлари натижасида жамланган геологик маълумотларнинг тўлиқ ва ишончли бўлишини таъминлашга қаратилган илмий тадқиқотларни олиб бориш муҳим ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 24 майдаги ПҚ-3004-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат Геология ва минерал ресурслар қўмитаси тизимида ягона геология хизматини тузиш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги ва 2018 йил 1 мартдаги ПҚ-3578-сон «Ўзбекистон Республикаси Давлат геология ва минерал ресурслар қўмитаси фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорларида ҳамда

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги №ПФ-4947 сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони.

мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг VIII. «Ер тўғрисидаги фанлар (геология, геофизика, сейсмология ва минерал хомашёларни қайта ишлаш)» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Қимматбаҳо металл конларида геологик маълумотларнинг ишончлилиги ва сифатини таъминлашда илмий изланишлар жаҳоннинг машҳур илмий марказлари ва олий таълим муассасалари илмий ходимлари, жумладан, Р.Р. Ineson, М. Bohmer, М. Armstrong, L. Angela, Р.А. Maraver, М. Kusera, В.В. Авдонин, Н.В. Короновский, А.А. Макарчева, М.С. Рафаилович, Ўзбекистон олтин маъданли конларида геологик маълумотларнинг сифатини, олтин захираларини баҳолаш ишонччилигини таъминлашда турли йилларда В.Я. Зималина, Г.С. Тилляева, Л.М. Глейзер, С.А. Денисов, Д.А. Калининчев, И.О. Хамроев, М.У. Исоқов, А.А. Эгамбердиев, У.А. Холматов, В.П. Федорчук, Ю.С. Шихин, П.А. Шехтман, Х.А. Акбаров, А.А. Абдумажидов, Б.А. Исаходжаев, М.К. Турапов, Р.И. Конеев, М.М. Пирназаров, В.Д. Цоя, С.Я. Клемперт, Л.В. Седельников, В.З. Зоннов, С.Т. Марипова, Б.И. Мирходжаев, Р.В. Цоя, А.Д. Швецов, В.В. Овечкин, А.И. Обрацов, Н.И. Неходы, Н.Н. Королева ва бошқалар томонидан тадқиқотлар олиб борилган.

Ўтган давр мобайнида Букантоғ тоғи олтин конларида маъдан таналарининг жойлашув шароитлари ва маъданлашувни ўзгарувчанлик хусусиятлари, олтин захираларини ишонччилигини баҳолаш ва геология-қидирув ишлари сифати ҳамда материалларни ишонччилигини таъминлаш бўйича илмий изланишларни самарадорлигини оширишни талаб этади.

Геологик маълумотларнинг сифати ва ишонччилигини таъминлаш бирламчи геологик ҳужжатлаштириш, бурғи қудуқлари ва тоғ иншоотларидан намуналар олиш ҳамда уларга ишлов бериш жараёнида услубий ёндашувларни такомиллаштиришни талаб этади. Мазкур омилларни таҳлил қилиш, тизимга келтириш ва уларни ечим йўлида замонавий ГАТ-технологиялардан фойдаланиш геологик маълумотларнинг сифати ва ишонччилигини таъминлашда амалий тадқиқотларнинг мутлақо янги имкониятларини очиб беради.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг К-5-001 «Ўзбекистон олтин конларини излаш, разведка қилиш ва баҳолаш жараёнларида намуналашнинг аниқлигини ҳамда ишонччилигини таъминлаш муаммолари, уларни самарали ечим йўллари ишлаб чиқиш» (2009-2011й.), ЁФ-6-01 «Букантов тоғидаги нодир ва ноёб металл эндоген маъданлашув намоёнларининг геолого-генетик 3D моделларини яратиш» (2010-2011й.) ва Ф-8-12 «Букантов тоғидаги олтин

конлари гипергенез зонасида олтин маъданларининг ўзгарувчанлигини, уларни ўрганишнинг илмий асосларини яратиш мақсадида, тадқиқ этиш» (2012-2016йй.) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Букантоғ тоғидаги олтин конлари мисолида геология-қидирув ишларида олинадиган геологик маълумотларнинг сифати ва ишончлилигини таъминлаш ҳамда уларни 3D моделлаштириш орқали истиқболни баҳолашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли босқичдаги геологик изланишларни олтин маъданли конлар бўйича бирламчи маълумотларни ўрганиш;

геологик хужжатлаштириш жараёнини, қидирув бурғи қудуқларини ва тоғ иншоотларини намуналаш ҳамда уларга ишлов бериш жараёнини ҳақиқий ҳолатини таҳлил қилиш;

геологик маълумотларни сифати ва ишончлилигини таъминловчи жараёнга таъсир қилувчи омилларни таҳлил қилиш ва тизимга келтириш;

намуна олиш ва унга ишлов бериш жараёнига таъсир қилувчи маъданлашувнинг ўзгарувчанлик характери ва минерал таркиби бўйича маъданларнинг янги таснифини ишлаб чиқиш;

замонавий ГАТ-технологияларини қўллаш орқали, назарда тутилган масалаларни ечиш;

тадқиқот натижалари бўйича амалий тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти Букантоғ тоғи марказий қисмидаги олтин маъданли конлари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг предмети сифатида геологик маълумотлар сифатига ва ишончлилигига таъсир қилувчи омиллар танланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Геология-қидирув ишларининг сифати ва ишончлилигини баҳолаш бўйича диссертация тадқиқотларини бажаришда дала шароитларида дала кузатув усуллари мажмуаси қўлланилди (геологик маршрутлар, литологик, минералогик ва структуравий қирқимлар). Тоғ лаҳимлари ва бурғилаш қудуқлари кернларини хужжатлаштириш, тоғ лаҳимлари ва бурғилаш қудуқларини намуналаш ва намуналарни лаборатория таҳлилларига тайёрлаш усуллари алоҳида эътибор берилган. ГИС технологияларининг имкониятлари синовдан ўтказилди. Шунингдек, геологик-структуравий усуллар, юқори аниқликка эга бўлган замонавий таҳлил асбоблари (масс-спектрометр ICP MS, Jeol, ДРОН-3), лаборатория шароитида олинган маълумотларни илмий умумлаштириш ва тадқиқот натижаларини қиёсий таҳлил қилиш усуллари, электрон маълумотлар базасини яратиш, замонавий Micromine дастурий маҳсулоти муҳитида ишлаб чиқилган 3D моделларини яратишдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қўйдагилардан иборат:

олтин маъданлашувининг ўзгарувчанлигига таъсир ўтказувчи асосий омиллар аниқланган;

намуна олиш ва унга ишлов беришнинг вазифаларини инобатга олувчи янги аниқланган ва кутилаётган маъданларнинг саноат турлари таснифи ишлаб чиқилган;

маъданлашув ўзгарувчанлигини характерловчи ва намуналарга ишлов бериш кўрсаткичларига таъсир қилувчи янги коэффицентлар асосланган;

иккита олтин маъданли конлар истиқболи 3D моделлаштириш орқали баҳоланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

намуналаш, намуналарни транспортировка қилиш ва қидирув-бурғилаш қудуқлари материалларига ишлов бериш жараёнларини такомиллаштириш бўйича услубий тавсиялар берилган;

олтин маъданлашувининг фазовий жойлашишини белгиловчи асосий омиллар аниқланган ва тизимлаштирилган;

геологик маълумотларнинг ишончилигига таъсир этувчи асосий омиллар гуруҳлари аниқланган ва тизимлаштирилган;

олтин маъданлашувининг ўзгарувчанлиги ва жойлашиш шароитларига кўра ўзига хос бўлган конларнинг асосий геологик-структуравий турларининг тўлдирилган таснифи таклиф қилинган;

Букантоғ тоғидаги иккита олтин маъданли конлар мисолида ГАТ усули ёрдамида объектларни баҳолаш синовдан ўтказилган ва уни ишлаб чиқаришга жорий қилиш бўйича тавсиялар берилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Диссертация хулосалари 250 дан ортиқ муфассал геологик кузатув нўқталари, 1500 п.м. литологик қирқимлар, 2000 п.м. структуравий қирқимлар, 1000 п.м. минералогик қирқимларни ўрганишга; Ўзстандарт аттестациясидан ўтган лабораторияларда олинган 70 та микрозондда бажарилган таҳлиллар, 70 та ICGAS (ICP MS) масспектометрда бажарилган таҳлиллар, 200 дан ортиқ силлиқланган ва сйқалланган шлифларнинг минералогик таҳлиллари натижаларига таянган. Геология- қидирув ишларини ўтказишда уларнинг амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга мувофиқлиги замонавий компьютер технологияларини қўллаш орқали таъминланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти олтин маъданли конларда геологик маълумотлар ишончилиги ва сифатига таъсир қилувчи омилларни муфассал таҳлил қилиш ва тизимлаштириш, шунингдек геология қидирув ишларини бажариш жараёнида ГАТ-технологиялари қўллашни такомиллаштиришга асос бўлиб хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти намуналаш ва намуналарга ишлов бериш, бирламчи геологик кузатув маълумотларининг ишончилиги ва сифатини ошириш бўйича ишлаб чиқилган тавсиялар, конлар ва маъдан таналари бўйича ишлаб чиқилган таснифлардир. Конларни баҳолашда синовдан ўтказилган ГАТ-технологиялари қўллаш усули юқори баҳога лойиқ.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Букантоғ тоғидаги олтин конларида геологик маълумотларнинг ишончилигини таъминлаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

бирламчи геологик маълумотлар сифатига таъсир қилувчи асосий омиллар «Қизилқумгеология» ДУК объектларига жорий этилган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги № 04/18-спр-сон маълумотномаси). Натижада геологик маълумотлар сифатига таъсир қилувчи бирламчи геологик хужжатлаштириш, намуналар ва намуналарга ишлов беришдаги мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва уларнинг сифатини 15-20%га ошириш имконини берган;

намуналарга ишлов бериш кўрсаткичларига таъсир қилувчи, маъданлашув ўзгарувчанлигини характерловчи коэффициентлар «Қизилқумгеология» ДУК объектларига жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги № 04/18-спр-сон маълумотномаси). Натижада намуналар олиш ва уларга қайта ишлов бериш кўрсаткичларига таъсир қилувчи ва маъданлашув ўзгарувчанлигини характерловчи коэффициентларни танлаб олиш имконини берган;

объектлар истиқболини баҳолаш ва захираларини ҳисоблашда қўлланилган геоахборот тизимлари усули ва йўл қўйилиши мумкин бўлган четланишлар сабаблари «Қизилқумгеология» ДУК объектларига жорий қилинган (Давлат геология кўмитасининг 2018 йил 28 сентябрдаги № 04/18-спр-сон маълумотномаси). Натижада ГАТ-технологиялари услларини қўллаш, объектларнинг истиқболини баҳолашда ва захираларни ҳисоблашда йўл қўйилиши мумкин бўлган четланишларни аниқлаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 7 та халқаро ва 8 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 27 та илмий иш чоп этилган. Шулардан 12 та илмий мақола Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертацияларнинг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда, шу жумладан 10 таси республикада ва 2 таси хорижий журналларда.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 122 матнли бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва унга бўлган талаб, тадқиқот мақсад ва вазифалари асосланади, объектлар ва предмети тавсифланади, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мувофиқ келиши кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, уларнинг илмий ва амалий аҳамиятлари, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар бўйича маълумотлар ва диссертация тузилиши келтирилган.

Диссертациянинг **Букантоғ тоғини геологик тузилишининг ўзига хос хусусиятлари** деб номланган биринчи бобида худудни геологик тузилишнинг хусусиятлари бўйича маълумотлар критилган.

Охириги маълумотларнинг кўрсатишича Букантоғ худудида Бўзтоғ, Кокпатас ва Окжетпес антиформалари ажратилади, улар тизмасимон шаклда Букантоғ тоғлари марказий қисмида кўзатилади ва Бўзтоғ, Кўкпатас ва Окжетпес тренди – БКОТ асосини ташкил қилади. Ушбу структураларнинг тузилиши ўзаро ўхшаш. Окжетпес ядросида карбонат формациядаги девон карбон структуралардан ташкил топган комплекслар очилган. Қанотларида Қорашоҳ структуралардан ташкил топган комплекслар, вулканоген-терриген формациялари ётади.

Олтин маъданлашувининг Букантоғ тоғи учун гидротермал ўзгарган, кўпинча «минераллашган» жинслар танасига боғлиқлиги хосдир. Бу ўзгарган минераллашган жинсларда олтин миқдори кўп холларда минимал-саноат миқдоридан паст бўлса ҳам одатда регион бўйича «фон» миқдоридан бир неча баробар юқорилиги билан тавсифланади.

Одатда минераллашган таналарнинг шакли бир нечта ўхшаш ва геологик-структуравий хусусиятлари бўйича турли шаклдаги саноатбоп ўзаро ўзгарган ички маъданли минераллашуви бир хил бўлмаган жинслар массасини ҳосил қилувчи маъдан таналарини ўз ичига олади. 1-расмда худудда изланишлар натижасида маъдан таналари ва конларнинг геологик-структуравий систематикаси ва жойлашиш тавсифлари келтирилган.

Углеродли қумтошлар, алевролитлар, сланецлар, кремнийлар, роговиклар, кремнийлашган ва карбонатли метасоматитлар, шунингдек гранитоидли интрузивлар ва турли таркибли дайкалар (диоритлардан керсантит-спессартитгача) маъдан қамровчи жинслар ҳисобланади. Ўзгарган жинсларни жинс ҳосил қилувчи минераллари бўлиб асосан кварц, ортоклаз, альбит, гидрослюда, хлорит, тюрингит ва б. хизмат қилади. Гидротермал ўзгарган жинслар кварц гидрослюдали, кварц карбонатли ва березитли метасоматитлардир. Маъдан таналари ва метасоматитлар қия ва тик ётувчи қатламсимон ва линзасимон уюмлардан иборат. Ўзининг минерал таркиби ва структура-текстуравий хусусиятлари бўйича маъданлар қуйидаги турларга бўлинади:

1. Томирсимон хол-холли олтин-пирит-арсенопиритли ва таркибида дисперс сингенетик сульфидлари бўлган олтинли - маъданлар;
2. Томирсимон хол-холли пирит-арсенопиритли, таркибида дисперс ва соф олтинли чангсимон синфли сульфидлар;
3. Хол-холсимон кварц пиритли дисперсли олтин билан;
4. Олтин-кварцли томир-томирсимон маъданлар.

Бунда маъданларнинг хар бир турлари баъзибир жинсларни ва маъданлашувни ўзига хос хусусиятларини, олтининг ўлчамлари ва учраш шакллари, олтиннинг ўзгарувчанлигини тарқалиш кўрсаткичлари билан тавсифланади, булар намуналарга ишлов бериш схемасини ишлаб чиқишда албатта ҳисобга олиниши лозим (1-жадвал).

Гуруҳ	Маъдан танасининг шакллари	Асосий структураларда жойлашган омиллари (структуравий турлари)	Кўп учрайдиган минерал ассоциациялар. Кен мисоллари	Намуналар	3D модел намуналари
МУВОФИҚ	Линзасимон Қатламсимон	Турлихил жинсли эгилган контактлар ва экран ости холатлари	Кварц-пирит-арсенопиритли ва кальцит-доломитли Серебряный, Дайковский ва б.		
КЕСУВЧИ	Томирли, Қатламсимон, Линзасимон	Тектоник очилиб қолган зоналар, эгилган, мураккаблашган тектоник бузилмалар билан	Кварц-пирит-арсенопиритли Маъданли зона №9, Маъданли зона №2, Сардор, Дальний ва б.		
		Тик ётувчи синиб очилган дарзликларда, тектоник контактнинг қия ётувчи экран ости холатида	Кварц-пирит-арсенопиритли ва кальцит-доломитли Джелсой, Бозтоғ ва б.		
МУРАККАБ	Кўзиқоринсимон, Томирсимон, Устунсимон	Минераллашган зоналарнинг майдаланган ва мураккаблашган эгилган бузилган структуралар билан	Кварц-доломит-олтин-арсенопиритли Сайний, Бахтли, Каратағ ва б.		

- Шартли белгилар**
- | | | | | | | | |
|--|--|--|--|--|--|--|--|
| | | | | | | | |
| | | | | | | | |

1-расм. Олтин маъданли конларининг структуравий морфологик турлари, шу жумладан 3D моделлаш маълумотлари бўйича

Букантоғ тоғи марказий қисми олтин конлари маъданлари турларининг таснифи

Тартиб рақами	Геологик саноат тури	Кичик тур	Маъданларнинг минерал тури	Олтиннинг учраш шакли ва маъданлардаги миқдори	Олтиннинг ўлчамлари ва софлик даражаси	“К” аҳамиятли, фойдаланиладиган тавсия қилингани
1	2	3	4	5	6	7
1	Олтин сульфидли	<i>Кокпатас (Кокпатас)</i>	Олтин-пирит-арсенопиритли; Олтин-гидрооксидли; дисперс олтин билан	Оксидланган эркин холдаги олтин билан; арсенопирит ва пиритда дисперсли олтин билан 3.5-6.4г/т Au 0.78-1.0г/т Ag	Оксидли рудаларда 2мм гача бирламчи рудаларда 0.00п-0,0пмм софлиги 833-910	Оксидли маъданлар учун 0,7/0,8 Бирламчи маъданлар учун 0,7/0,8
2		<i>Бузтоғ (Бузтоғ, Джелсой, Северний)</i>	Кварц-пирит-арсенопиритли ва кальцит-доломитли; томирсимон- томирли маъданлар	Асосан «Кўзга кўринмас» 1,2-4,33 г/т Au; 0,4-1,0 г/т Ag	0,00п-0.0пмм софлиги 900	Оксидли маъданлар учун 0,7/0,8 Бирламчи маъданлар учун 0,7/0,8
3		<i>Окжетпес (№2 маъдан зонаси, №3 маъдан зонаси Сардор ва б.)</i>	Олтин-кварц-пирит-арсенопирит ва халькопирит-пирротинли; дисперс ва соф туғма олтин билан	Асосан «Кўзга кўринмас» 1,8-11,5 г/т Au 2,1-7,5 г/т Ag	софлиги 900-950	Оксидли маъданлар учун 0,7/0,8 Бирламчи маъданлар учун 0,7/0,8
4		<i>Кўплаб объектлар Кокпатас, Бузтоғ, Окжетпес маъдан майдонлар</i>	Олтин-кварц-томирсимон-томирли маъданлар	Оксидланган эркин холдаги олтин билан; арсенопирит ва пиритда дисперсли олтин билан. Асосан «кўзга кўринмас» холда	Оксидли маъданлар 1,6+0мм, софлиги 900-930	Оксидли маъданлар учун 0,7/0,8 Бирламчи маъданлар учун 0,7/0,8

Букантоғ учун ўзаро бир-бирини тўлдирувчи регионал маъдан назорат қилувчи кўплаб маъданли майдонлар ва конлар позициясини белгиловчи тектоник структура ва брахиоформ бурмаларнинг роли тавсифланади. Маъданлашувни бош омили структураларда жойлашишидан ташқари стратиграфик, литологик, магматик ва б. омиллардир.

Маъдан назорат қилувчи структураларнинг ахамиятини кўндаланг ва бўйлама дарзликлар ва турли хил йўсиндаги дарзликлар: конларда маъдан таналари ва устунларини жойлашишида майда дарзликларни таъсири ҳамда регионал бир-бирига яқин, бўйлама узилма ва зоналар билан кесишган жойларида йирик маъдан зоналари ва конлари жойлашади.

Олтин маъданлашувини жойлашиши учун энг махсулдор структура омиллари кўйдагича: антиклиналнинг гумбаз қисмидаги кесишган дарзликлар зонасида, (Приконтактный, Южный, Северное-I,II, Коскум ва б.); антиклинал қанотларидаги клинли (понасимон) структуралар ва дарзликларнинг тармоқланган участкаларида, (Серебряный, Рудная зона-8,12 ва б.); Мураккаб сурилмалар (надвиг) остидаги ҳолатларда (Карашохо, Дайковий, Телькетау, Сайний, Бахтли, Каратаг ва б.); бир хил турдаги ётқизиклар орасида бир-бирига туташган ва кесишган дарзликлар зонасида (Барханли, Рудная зона-4, Рудная зона-6); бир-бирига яқин туташган ва эгилган дарзликлар зонасида (Окжетпес, Джелсай, Бозтов, Сардор ва б.).

Олтин маъданлашуви литологик жихатдан кварцли ва кварц-карбонатли метасоматитлар гуруҳига мансуб бўлганда намоён бўлади, метасоматитлар таркиби асосан жинсларни литологик турлари билан боғлиқ. Тадқиқотларни кўрсатишича маъданли компонентларни юқори миқдорлари интенсив кварцланган жинсларда, кремнийли брекчия ва роговикларда уларни кесувчи дарзликлар билан мураккаблашган жойларда аниқланади.

Стратиграфик омилларнинг кўрсатишича кокпатас туридаги сульфидли хол-хол олтин маъдан намоёнлари ва уюмлари асосан ўрта карбоннинг Қорашохо свитаси дарзликлари ($C_2b+m_1 kr$) билан боғлиқ. Бу ҳудудда магматик омиллар кенг намоён бўлган йирик кварц-диорит таркибли дайкасимон ва штоксимон таналарнинг ривожлангани намоён бўлади, улар билан ҳудуддаги олтин минераллашуви парагенетик алоқалари боғланади.

Иккинчи бобда **маъданлашувни ўзгарувчанлигига таъсир қилувчи омиллар** ёритилган, уларнинг шаклланиши ва вужудга келиши жараёнида, турли босқичдаги гипергенез жараёнлари, метаморфизм, тектоник деформациялар ва б. жараёнлар таъсирида шакилланиб жуда ҳам ўзгариб кетиши мумкин.

Ўзгарувчанлик тавсифи беришда унинг икки тарафи ажратилади: ўзгарувчанлик тавсифи ва жадаллиги. *Ўзгарувчанлик характери дейилганда* унинг йўналганлиги, қонуниятлилиги ёки тасодифийлиги тушунилади. Ўзгарувчанлик даражаси таҳлил қилинаётган ўлчамларни тебраниш чегараси билан аниқланади (турли компонентларнинг миқдори, маъдан таналарининг қалинлиги ва х.к.).

Зималина В.Я. ва Исоков М.У. ларга мувофиқ геология қидирув ишлари (ГҚИ) самарадорлигини аниқловчи асосий омил ва фойдали казилма захираларини ишончли баҳолашга таъсир қилувчи омил, бу бурғи қудуқлари ва тоғ иншоотларини намуналаш сифатидир. Намуналаш ишлари сифатини мунтазам илмий тажрибалар билан бирга назорат қилиш захираларнинг юқори даражали ишончилигини таъминлашда қониқарли натижаларга эришишни таъминлайди.

Бу хулосалар асосан намуналаш маълумотларига таянади. Бу маълумотлар одатда ишончли ҳисобланади, чунки амалиётда бир қатор иш тартибини белгиловчи ҳужжатлар мавжуд бўлиб улар маълумотларни ишончилиги ва сифатини таъминлайди.

Ҳаётда эса бу маълумотлар массивининг асоси бирламчи геологик маълумот сифатининг пастлиги натижасида бўшашиб қолган, бирламчи геологик маълумотлар қуйидаги бир қатор тенденциявий сабаблар: геология қидирув ишлари (ГҚИ) жараёнига геологик жиҳатдан кам ўрганилган, асосан ёпиқ майдонларга чиқиши; маъданлар тақибининг ўзгариши ва ҳ.к.лар билан боғлиқ. Бундай шароитларда бирламчи геологик маълумотларни ишончилиги ва сифатини таъминлаш масаласи яна ҳам долзарб бўлади.

Ҳамма кўрсаткичлар ичида тасодифий ўзгарувчанликни миқдорий баҳоловчи вариация коэффиценти кўпроқ аҳамиятли, у геология-қидирув ишларида услубий ечимларни оптималлаштириш учун фойдаланилади (Ж.Матерон, А.Е.Каждан, Л.И.Четвериков, В.Я.Зималина, М.У.Исоков ва б.).

Маъданлашувни ўзгарувчанлик омиллари сабабларини ёритишдан олдин уларни услубий асосларини очиб бериш керак.

Ҳозирги вақтда қимматбаҳо металллар, маъданлар ва маъданларни қамраб турувчи жинсларни намуналашда қўлланилаётган усулларнинг камчилиги – намуналарга ишлов бериш усулларида материалларни ўрта қийматларга келтиришни иложи йўқлигида, яъни кафолатланган аниқлиликдаги лаборатория намунасини (навескани) олишни иложи йўқлигидадир, сабаби зарралар соф туғма холатда бўлганлиги учун яъни уларни тутувчи минералларни кристаллар аро маконда жойлашганлиги, уларни амалда ажратиб бўлмаслиги ёки бўлинишда кеч қолиниши, зарраларни жинс ҳосил қилувчи минераллар зарраларидан турланиши ва ҳ.к.

Юқорида қайд қилинган қийинчиликлар намуналаш услубиётида объектив, табиий сабабларга боғлиқ характерга эга. Намуналаш муаммоси ўрганилаётган объектни моддий хусусиятида эмас, балки геологик намуна нималигида аниқ тушунчани йўқлигида. Нега деганда ҳар бир намуна фақат ўзини характерлайди (таркиби, миқдори ва б.). Худди шу сабаблар билан жинслар ва маъданларни ўрганишни аниқ ишончли услуби йўқлиги уларни намуналаш ва намуналарга ишлов беришда ўрганилаётган объектда металллар миқдори ҳақида ҳақиқий объектив ахборотни олиш мумкин эмаслиги тушунтирилади. Олинadиган аниқ ва ишончли кўрсаткичларни олиш учун 2-жадвалда кўрсатилганларни ҳисобга олиш таклиф қилинади.

Жадвалга биноан ишончлиликни асосий кўрсаткичлари юқори бўлганлиги учун объектни ўрганишда бажариладиган барча жараёнларда ўта эҳтиёткорлик билан ёндашиш керак.

Диссертация муаллифи ўз олдига– Букантоғ худуди объектлари ва баъзи-бир бошқа конларни ўрганишда геология идирув ишлари (ГҚИ) натижаларни ишончлилиги ва аниқлигини таъминлаш бўйича қилинаётган тавсифларни ҳақиқий ҳолатини мақсадга мувофиқ равишда ўрганишни мақсад қилиб қўйган.

Маълумки объектни баҳолашни ишончлилиги (ўрганишни барча босқичларида) объектларни геологик – иқтисодий баҳолаш (ГИБ) талабларида гуруҳларга бўлинган, бир қатор кўрсаткичлар билан аниқланади. Унинг баъзи-бир геологик жиҳатлари ҳақида тўхталиб ўтамиз (2-расм).

Ўрганилаётган муаммони ҳолатини ўрганишдан – бу ерда бир қатор сезиларли камчиликлар борлигини кўрсатади, уларни тезлик билан ҳал қилиш – барча босқичдаги ГҚИ натижаларни сифатига ва ишончлилигига таъсир кўрсатади.

Қидирув иншоотлари ва бурғи қудуқларини геологик хужжатлаштириш ҳамда улардан кейин бажариладиган намуналаш жараёни сифатини таъминлаш объект бўйича геологик маълумотни ишончлилиги ва аниқлигини белгилайди (3-расм).

Геологик хужжатлаштириш натижалари геологик кесмалар, горизонтлар планлари ва ГҚИ объектларини ҳажмий тасаввурини тузишда асос бўлиб хизмат қилади. Бирламчи геологик хужжатлаштириш визуал дала кузатувларига таянади ва маъдан қамровчи жинслар, минераллашган зоналар ва таналарни маконда жойлашиши ва тузилиши, хусусиятлари, таркиби ва умуман кон ҳақида фикр юритишда асосий манба бўлиб хизмат қилади. У қанчалик тўлиқ маълумотли бўлса геологик хужжатлаштириш шунчалик сифатли бўлади.

Тадқиқотлар натижаларининг кўрсатишича – бирламчи геологик хужжатлаштириш сифатининг пастлиги сабабли литологик, минералогик, структуравий ва бошқа маъдан жойлашувчи омиллар хусусиятлари назардан четда қолиб кетади.

Худудда кенг ривожланган гипергенез зонаси тўлиқ ўрганилмаган, ўрганилганлари ҳам йўл-йўлакай ва тизимсиз ўрганилган. Бу масала бўйича оксидланган маъданларни ўрганиш усули ва баҳолаш, уларни вертикал бўйича ривожланиш қонуниятлари масаласи ва бошқалар очиқ қолмоқда.


Геологик хужжатлаштириш сифати ва намуналашни кўп жиҳатдан белгиловчи бир қатор геологик-технологик омилларни яхши ҳисобга олмаслик (кўпроқ умуман ҳисобга олмаслик) ёмон «анъана» бўлиб қолмоқда.

Геологик маълумотларга ишлов беришда, компьютер технологияларини кенг жорий қилиш билан, бирламчи геологик хужжатлаштириш натижаларидан, башоратлаш, излаш, баҳолаш ва бошқа масалаларни ҳал қилишда фойдаланишни назарда тутати. Бу ҳолда бирламчи геологик хужжатлаштириш асосида маълумотлар базасини яратиш бир қатор камчиликларга эга, шулар қаторида: 1) хужжатлаштирувчи томонидан тақдим қилинаётган маълумотларни бир хил эмаслиги;

Объектлар ўзгарувчанлигининг асосий кўрсаткичлари

№ т/р	Таққослаш кўрсаткичи	Тавсифи	Кузатувлар сони				
			Кокпатас	Бўзтоғ	Оқжетпес	Маржонбулоқ	Қорақўтон
1	Якка кузатувлар (ички)	Намуна ёки қидирув кесишмаси	27	29	43	10	10
2	Қидирув кесишмалари (ташқи)	Маъдан танаси қалинлигининг ўзгарувчанлигини тавсифлайди	16	11	18	5	5
3	Ўрганилаётган объектни ўлчамлари масштаби (маъдан танаси, зона, блок)	Майда ўртача ёки йирик	йирик ва ўртача	майда	ўртача	ўртача	майда
4	Кузатув тўрининг зичлиги	Қидирув тўри натижалари ўлчамлари асосий эътибор марказида бўлиши керак	С ₁ тоифаси 40x80 20x40 С ₂ тоифаси 80x160 40x80	С ₁ тоифаси 40x80 20x40 С ₂ тоифаси 80x160 40x80	С ₁ тоифаси 40x80 20x40 С ₂ тоифаси 80x160 40x80	С ₁ тоифаси 40x60 С ₂ тоифаси 120x80	С ₁ тоифаси 40x80x80 С ₂ тоифаси 160x80x80
5	Ўрганилаётган параметр	Қалинлиги, миқдори, метропроценти, корреляция ва б.	қалинлиги 15 м дан 20 м гача	қалинлиги 3.0 м дан 12,7 м гача	қалинлиги 6,0 м дан 16,0 м гача	қалинлиги 32 м дан 300 м гача	қалинлиги 0,5 м дан 10,2 м гача
6	Ўзгарувчанлик тури ички кўрсаткичи	Намуналардаги миқдори намуналар ўлчами ва б.	Олтин миқдори 10 г/т дан 13 г/т гача ўртача 6,4 г/т	Олтин миқдори 0,85 г/т дан 5,81 г/т гача ўртача 2,5 г/т	Олтин миқдори 3,62 г/т дан 19,46 г/т гача ўртача 1,33-5,84 г/т	Олтин миқдори 1,0 г/т дан 60 г/т гача ўртача 2,0-6,07 г/т	Олтин миқдори 0,7 г/т дан 240,6 г/т гача ўртача 10,74 г/т
7	Ўзгарувчанликнинг математик кўрсаткичи	Вариация коэффиценти Кўрсаткич юзага боғланиши керак (конга, маъдан танасига, блокга)	маъдан танаси	маъдан танаси	маъдан танаси	маъдан танаси	маъдан танаси
8	Вариация коэффиценти		1,7-2,9*	1,0-2,4	1,6-4,6	2,0-3,6	1,3-6,4

* - Исоқов М.У. бўйича



2 - расм. Табиий кўрсаткичларнинг сифат ва ишончлик алгоритми

* - муаллиф қўшимчаси

2) маълумотни кўпинча тўлиқ эмаслиги; 3) шакллантирилиши қийин бўлган маълумотларни изоҳ бериш йўли билан тасвирлаш; 4) тасвирланган маълумотни шаклланган кўринишга ўтказишда бўладиган хатоликлар ва сермеҳнатлиги ва б.

Бирламчи геологик хужжатлаштиришни тўлиқлиги ва сифатини, тадқиқотлар ўтказилаётган асосий объектлар бўйича эталон коллекциялар барпо қилиш ёпиқ истиқболли позицияларни излаш ва геология қидирув ишларини яхши ўрганилмаган майдонларга кўчиришда жуда долзаб ҳисобланади.

Агар канава ёки траншея ёш ётқизиқларнинг қалин қопламаси остидан ўтган бўлса геологик хужжатлаштириш ҳамда намуналаш сифати ва ишончилиги одатда паст бўлади.



3 - расм. Бурғиладдаги намуналариддаги фойдали компонентларни йўқотиш тузилиши (Камалов М.Т. бўйича муаллиф қўшимчалари билан)

Учинчи бобда **намуналаш ва намуналарга ишлов бериш** очиб берилган. Колонкали бурғиладдаги ва уларнинг натижаларини интерпритация қилишда мавжуд бўлган тафовутларга этибор қаратиш зарурияти - бурғиладда-геологик техник топшириқ (ГТТ) тузиш, кернни геологик хужжатлаштириш, каротаж маълумотлари, маъданли оралиқларни белгиладда ва намуналашда бажарилади.

Кузатувлар натижасида маълум бўлишича олтин маъданли конлар ўзига хос геологик тузилишга, маъданлашувга эга бўлиб, бурғилаш жараёнида, намуналарга ишлов беришда юқори эътиборни талаб қилади ва оқибатда геологик натижаларни ишончлилигини белгилайди.

Турли экспедициялардан олинган бир қатор бурғи кудуқларини тўлиқ хужжатлаштиришни ўрганиш намуналар натижалари бўйича кутилаётган ГТТ ва маъдан зоналарини ҳақиқий ҳолатлари орасида тафовутлар борлиги тўлалигича ўрганилди.

Керн чиқиши кўп ҳолларда кондиция чегарасидан пастлиги кузатилади. Керннинг чиқиши маъдан зонасининг мураккаб тузилиши билан изоҳланади. Шлам намунаси чиқишининг пастлиги айниқса улрни олинмаслиги, изоҳланмайди. Бизнинг ва баъзибир муаллифларнинг (Камолов, Рустамов) олиб борилган изланишларининг натижалари бўйича керннинг танланиб емирилишининг катталиги белгиланган ҳамда минералларнинг оғир фракциялари шлам намунасида концентрацияланиши аниқланган.

Бирламчи геологик колонкалар ва геофизик маълумотларни интерпретация қилиб намуналар маълумотлари билан таққослаганда маъданлашувнинг вертикал бўйича уларнинг номутаносиблигини гувоҳи бўламиз. Бу эса ўз навбатида учта кўрсаткичдан биттасини (балки иккаласининг ҳам) ишончлилигини пастлигини кўрамайди.

Геология қидирув экспедицияларида мавжуд намуна майдалаш цехларида геология қидирув ишларининг турли участкалардан келтирилган намуналарни ягона эски схемада майдаланаётганлигини кўрамайди. Булар ҳар турдаги маъданлар бўлиб, минераллашув тавсифи, қамровчи жинслар таркиби, маъданлашувининг намоён бўлиш жадаллилигининг турлилиги ва б. энг асосиси - бу схемаларнинг ишлаб чиқилганлигига кўп вақтлар бўлган бўлиб улар ер юзига яқин, маъданлашуви кам ўзгарган конлар учун ишлаб чиқилган.



Тўртинчи боб геологик маълумотларга ишлов бериш жараёнида «Micromine дастур пакети»²ни қўллаш натижаларига бағишланган. Боб геология қидирув ишларини сифатини таъминлаш бўйича меъёрлар базасидан бошланади.

Бирламчи геологик хужжатлаштириш маълумотларининг сифати геология - қидирув ишларида ўша вазиятни очиб берувчи хисобланади. Келиб чиқиши мумкин бўлган хатоликларни аниқлаш, олдини олиш ва тўғрилаш ҳамда куч ва вақтни тежаш имконини беради, чунки захираларни баҳолаш босқичида бундай хатоликларни тўғрилаш жуда ҳам қийин бўлиши мумкин.



Бўлимнинг муҳим хулосаларидан бири бу олтин маъданлашувини жойлашиш омиллари ва маъданли зоналар (таналар) шакли ҳамда уларни назорат қилувчи структуралар ҳақидаги тахлитларни қайта кўриб чиқиш тўғрисидаги тавсиялардир.

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи: <http://www.micromine.com>; www.mmuz@micromine.com ва бошқа манбалар асосида ишлаб чиқилган.

Сайний участкаси



Сардор участкаси



4-расм. Маъдан таналари ва кесмаларининг 3D модели мисоллари
(А-маъдан таналарининг 3D модели, Б-кесма)

Бундай хулосаларнинг асосида дала маршрутлари, муфассал геологик кузатув нуқталари маълумотлари, шунингдек худуднинг эталон объектларини 3D моделлаштириш маълумотлари ётади.

Шу нарса маълумки литологик фонда ривожланган маъданлашув жойлашишини структуравий омиллар белгилайди. Айнан шулар янги таклиф қилинаётган конлар ва маъдан таналарининг геологик структуравий систематикаси асосида ётади. 1. Micromine дастурий пакети ёрдамида Букантоғ тоғларидаги баъзибир эталон конларнинг яратилган 3D геологик моделлари, геология-қидирув ишлари жараёнида маъдан таналарини ажратишда услубий ёндашишларни такомиллаштириш лозимлиги ҳақидаги фикрни айтиш имконини беради.

2. Геологик маълумотларни ишончилигига ноҳўя таъсир қилувчи асосий камчиликлар геология қидирув ишларини дала шароитида, (асосан бирламчи геологик хужжатлаштириш) ҳамда маълумотларга ишлов бериш ва уларни интерпретация қилиш жараёнида йўл қўйилади.

Бир қатор объектларни излаш-қидирув бурғилаш натижалари маълумотлари базасида бажарилган 3D моделлаштириш натижаларига кўра кўп холларда объектларнинг чуқур горизонтлари, баъзида эса ён атрофлари тўлиқ ўрганилмай қолаётганлиги тўғрисида фикр берилади (4-расм). Объектларни 3D моделлаштириш асосида 2,0; 3,0 ва 4% (шартли бирлик) олтин маъданларининг тарқалиш чегараларини ён атрофга ва чуқурликка давом этганлиги мавжуд бўлиб у намуналаш маълумотлари натижалари билан тасдиқланади.

Бу ҳақида маъдан таналари «нотабий чегаралари» ривожланишининг қабул қилинган «секин аста тугаш»ини билдиради, бу эса геологик жараёнларга мантқиқан тўғри келмаслигини англатади.

3D моделлаштириш маълумотлари маъдан уюмларининг мураккаб ва узук-юлуқ шаклда бўлиши мумкин дейиш имконини беради. Ушбу холда, балки узилмали бузилмалар, гипергенез натижасида «бошқа нарса фонида кўринмай қолган» омилга яхши аҳамият берилмаган бўлиши мумкинлигини англатади.

ХУЛОСА

Букантоғ тоғи олтин маъданли конларда ўтказилган тадқиқотлар натижасида қўйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Олтин маъданлашувининг жойлашиш омиллари ва маъдан зоналари (таналари) морфологияси ҳамда уларни назорат қилувчи структуралар ҳақида бўлган стереотипларни қайта кўриб чиқишнинг зарурлиги тўғрисида биринчи марта хулоса қилинмоқда. Бундай хулоса асосида худуддаги объектларнинг 3D моделлари маълумотлари ётади, уларнинг натижалари бўйича, кўп холларда баҳоланаётган объектларнинг чуқур горизонтлари, баъзида эса ён атрофлари тўлиқ ўрганилмай қолаётганлиги ҳақида далолат беради.

2. Олтин маъданлашувининг маконда жойлашишини белгилаб берувчи етакчи омиллар: геологик, структуравий-тектоник, минералогик ва бошқалар

аниқланди. Улардан энг аҳамиятлилари литологик фон муҳитида ривожланган структуравий-тектоник омиллар ҳисобланади.

3. Бирламчи геологик маълумотлар сифатига таъсир қилувчи асосий омиллар аниқланди ва тизимлаштирилди, улар геологик, геологик-технологик ва умумий бўлимларга гуруҳланди. Бунда геологик хужжатлаштириш, намуналаш ва намуналарга ишлов бериш энг муҳим омиллардир.

4. Намуна олиш ва унга ишлов беришнинг вазифаларини инобатга олувчи янги аниқланган ва кутилаётган маъданларнинг саноат турлари таснифи ишлаб чиқилди. Ишлов бериш кўрсаткичларига таъсир қиладиган, маъданлашувни ўзгарувчанлигини тавсифловчи илмий жихатдан асосланган коэффициентлар намуналарнинг ишончилигини таъминлашга хизмат қилади.

5. Олтин маъданлашуви жойлашиш шароитлари ва ўзгарувчанлигининг ўзига хослигини тавсифловчи конларнинг асосий геологик-структуравий турларининг янги тизими таклиф этилган.

6. Намуналаш, транспортировка қилиш ва маълумотларга ишлов бериш жараёнларини мукамаллаштириш, жумладан бурғи қудуқларидан олинган маълумотлар бўйича услубий тавсиялар ишлаб чиқилган.

7. Қимматбаҳо компонентларнинг йўқотилиш турлари таснифи ишлаб чиқилди ва улар содир бўлишининг асосий сабаблари кўрсатиб берилди. Шламли намуналарнинг ўрни ва аҳамияти келтириб ўтилган.

8. Букантоғ тоғининг иккита олтин маъданли конлари мисолида объектларни Micromine дастурида ГАТ услубида баҳолаш синовдан ўтказилган ва уларни жорий қилиш бўйича тавсиялар берилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.GM.40.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ИНСТИТУТЕ МИНЕРАЛЬНЫХ РЕСУРСОВ,
ИНСТИТУТЕ ГЕОЛОГИИ И ГЕОФИЗИКИ, ИНСТИТУТЕ
СЕЙСМОЛОГИИ, НАЦИОНАЛЬНОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
УЗБЕКИСТАНА И ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ имени ИСЛАМА КАРИМОВА**

УРУНОВ БАХРОМ НАСРУЛЛАЕВИЧ

**ПРОБЛЕМЫ ОБЕСПЕЧЕНИЯ ДОСТОВЕРНОСТИ
ГЕОЛОГИЧЕСКИХ МАТЕРИАЛОВ НА ЗОЛОТОРУДНЫХ
МЕСТОРОЖДЕНИЯХ ГОР БУКАНТАУ**

**04.00.02 – Геология, поиски и разведка месторождений твердых полезных ископаемых.
Металлогения и геохимия**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОЛОГО-МИНЕРАЛОГИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинета Министров Республики Узбекистан под номером B2018.1.PhD/GM16.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете им. Ислама Каримова.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице научного совета (www.gpniimr.uz) и на Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Исаходжаев Бахтияр Абдукаримович**
доктор геолого-минералогических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Пирназаров Мажид Махкамович**
доктор геолого-минералогических наук

Эгамбердиев Абдуракибхон Аъзамхонович
кандидат геолого-минералогических наук

Ведущая организация: **ГУП «Уранредметгеология»**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2019 г. в ___ часов на заседании Научного Совета DSc.27.06.2017.GM.40.01 при Институте минеральных ресурсов, Институте геологии и геофизики, Институте гидрогеологии и инженерной геологии, Институте сейсмологии, Национальном университете Узбекистана и Ташкентском государственном техническом университете (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел: (99871) 256-13-49; факс: (99871) 140-08-12; e-mail: info@gpniimr.uz, gpniimr@exat.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института минеральных ресурсов (регистрационный номер №___), (Адрес: 100060, г. Ташкент, ул. Т.Шевченко, 11а. Тел: (99871) 256-13-49).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки № ___ от «___» _____ 2019 года).

Р.Ахунджанов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степени, д.г.-м.н.

К.Р.Мингбоев
Ученый секретарь Научного совета
по присуждению ученых степени, к.г.-м.н.

Х.А.Акбаров
Председатель Научного семинара при Научном
совете по присуждению ученых степеней, академик, д.г.-м.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мировой практике, регулярное обеспечение мощностей добывающих производств ресурсами и запасами высокой достоверности является одним из необходимых задач геологоразведочных работ. В развитых странах мира, использование геоинформационных систем (ГИС) служит важным фактором в обеспечении полноты и достоверности данных, получаемых в результате геологоразведочных работ. В этом плане важное значение приобретает определение влияния первичной геологической документации, опробования и обработки проб на повышение достоверности и качества геологической информации.

В эти дни во всем мире на месторождениях полезных ископаемых ведутся широкие научно-исследовательские работы по разработке и совершенствованию методик повышения качества геологических данных, обеспечения достоверности опробования и оценки запасов месторождений. В том числе, на примере золоторудных месторождений на стадиях поисков и оценки месторождений, в обеспечении достоверности коэффициентов характеризующих изменчивость оруденения и влияющих на показатели опробования и обработки проб, а также качества первичной геологической документации использование современных ГИС служит усовершенствованию методических подходов.

В нашей стране проводятся широкомасштабные мероприятия по дальнейшему развитию геологической отрасли и расширению минерально-сырьевой базы, в частности, в горах Букантау Кызылкумского региона достигнуты определенные результаты в поисках золоторудных месторождений. В стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан в 2017-2021гг., определены меры по «... интенсивному социально-экономическому развитию, повышению уровня жизни и реальных доходов населения, ... обеспечением сырьевого потенциала отдельных регионов»¹. В этом плане, считается важным проведение научных исследований направленных на обеспечение полноты и достоверности геологических материалов, собранных в результате геологоразведочных работ.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных: в Указе Президента Республики №УП-4947 от 7 февраля 2017г. «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»; в Постановлениях Президента № ПП-3004 от 24 мая 2017г. «О мерах по созданию единой геологической службы в системе Государственного комитета Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам» и № ПП-3578 от 1 марта 2018г. «О мерах по коренному совершенствованию деятельности Государственного комитета

¹ Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 г. № УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

Республики Узбекистан по геологии и минеральным ресурсам»; в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологии республики VIII - «Науки о Земле (геология, геофизика, сейсмология, и переработка минерального сырья)».

Степень изученности проблемы. На месторождениях благородных металлов научные изыскания по обеспечению достоверности и качества геологических материалов в известных научных центрах проводились ведущими научными сотрудниками такими как, P.R. Ineson, M. Bohmer, M. Armstrong, L. Angela, P.A. Maraver, M. Kusera, В.В. Авдонин, Н.В. Короновский, А.А. Макарчева, М.С. Рафаилович. В Узбекистане, на золоторудных месторождениях научные изыскания по обеспечению качества геологических материалов и достоверности оценки запасов золота в разные годы проводили В.Я. Зималина, Г.С. Тилляева, Л.М. Глейзер, С.А. Денисов, Д.А. Калинин, И.О. Хамроев, М.У. Исоков, А.А. Эгамбердиев, У.А. Холматов, В.П. Федорчук, Ю.С. Шихин, П.А. Шехтман, Х.А. Акбаров, А.А. Абдумажидов, Б.А. Исаходжаев, М.К. Турапов, Р.И. Конеев, М.М. Пирназаров, В.Д. Цой, С.Я. Клемперт, Л.В. Седельников, В.З. Зоннов, С.Т. Марипова, Б.И. Мирходжаев, Р.В. Цой, А.Д. Швецов, В.В. Овечкин, А.И. Обрацов, Н.И. Нехода, Н.Н. Королев и многие другие.

За прошедшее время исследования материалов по закономерностям и условиям размещения, характера изменчивости золотого оруденения на золоторудных месторождениях гор Букантау показали необходимость дальнейших исследований по обеспечению достоверности оценки запасов и качества геологических материалов получаемых в результате геологоразведочных работ.

